**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

| | |
|---|---|
| Рўйҳатга олинди: | Соғлиқни саклаш вазирлиги |
| №БД 5510100; 5111000 -2.11 | 236-сонли буйруғи |
| 2020 йил "_08_" _09__ | 2020 йил "_08_" __09___ |

# ЛОТИН ТИЛИ ВА ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯ
# МОДУЛ ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 500000 | - Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот |
| **Таълим соҳаси:** | 510000 | - Соғлиқни сақлаш |
| **Таълим йўналишлари:** | 5510100 | - Даволаш иши |
| | 5111000 | - Профессионал таълим (5510100-Даволаш иши) |

**Тошкент- 2020**

**Тузувчилар:**

**Сайдуллаева М.А.** ТТА, Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

**Тақризчилар:**

**Абдуллаева Р.М.** ТТА, Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти, кафедра мудири

**Нишонов П.П.** ЎзДЖТУ, ф., ф.н.доцент

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил "29 июл" даги "18"-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш кенгашининг 2020 йил "25"августдаги "2"-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил "_08__"_09___ даги _"236"_ -сонли буйруғининг _5_ иловаси билан модул дастури рўйҳати тасдиқланган.

**1.Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни**

Лотин тили ва тиббий терминология модулини ўрганиш она тили, рус тили ва чет тилини билишга асосланади. Анатомия, гистология, биология, умумий кимё, фармакология модуллари терминларини тушуниш ва ўзлаштириш учун керакли ҳажми ушбу модулни ўрганиш давомида интеграцияланади. Клиник модулларни ўрганиш асосида одам аъзолари, турли анатомик ҳосилаларнинг, юнон-лотин тилида лексик материалларни ўзлаштираётиб, термин-композитлар ва термин-диагнозларни тушуниш ва назорат қилишга имкон яратади.

Лотин тили ва тиббий терминология модулини умумкасбий модуллар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Лотин тили ва тиббий терминология ўқув модули сифатида тиббиёт олийгоҳлари талабаларида умумтаълим ва маданий даражасини оширишга йўналтирилган.

Модул дастур Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Мазкур модул дастури мавзулари тиббиёт олий таълим муассасаларинингбакалавриат босқичининг махсус модулларнинг дастур мавзулари билан узвий боғлиқ ҳолда яратилади.

Кўрсатилган стандартлар асосида ушбу модул бўйича тиббиёт таълим муассасалари хусусиятларига эътибор берган ҳолда модул дастурининг ассосида календар-тематик режалар тузилиши, янги адабиётлар киритилиши ва мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши мақсадга мувофиқдир.

**2.Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

***2.1. Модулнинг мақсади -*** талабаларда таълим тарбия, қонун ва қоидалардан ҳамда дидактик тамойилларидан келиб чиқиб, даволаш, профессионал таълим (даволаш иши) факультетлари талабаларининг Лотин тили ва тиббий терминология модулини асосини ўзлаштиришга, шунингдек бу билимларни амалиётда қўллаш, шакллантиришга ва талабаларга тиббий атамаларни лотин ва юнон дублетларини ўрганиш йўли билан йуналтирилган ўз касбий маҳоратларини кенгайтириш ва ривожлантириш, уларнинг кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб боришларида коммуникатив компетенцияларини шакллантириш.

***2.2. Модулнинг вазифалари:***

- талабаларнинг кўникма ва малакаларини ўзлаштирган ҳолда касбий кўникма ва малакаларга эга бўлиши;

- талабаларнинг мазкур йўналишдаги билимларини халқаро стандартларга мувофиқ равишда эгаллашини таъминлаш;
- бакалавриат талабаларини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш;
- грамматик формаларни тушуниш ва атамаларнинг маъносини билиш;
-мустақил равишда луғатсиз ёки луғат билан анотомик, клиник ва фармацевтик атамаларни таржима кила олиш ва тузишга қаратилган.

Дастур ўз ичига назарий ва амалий билимларни каттагина ҳажмни олган бўлиб, талабалар тиббий атамаларни кейинги курс махсус модулларида қўллаш, тушуниш ва тадбиқ этишда ёрдам беради.

***2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:***

**1 семестр**

***Талаба:***

– лотин тили ва тиббий терминология модулининг хусусиятлари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
– грамматика элементлари (тиббий атамашуносликда қўлланиладиган от ва сифатларнинг турланиши, мослашув дастур бўйича феъл, олд қўшимчалар, сон ва сифатдош) ни;
– фаол сўз бойлиги тарзида 1000-1200 та лексик ва сўз ясаш бирликларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
– лотин тилида ўқиш ва ёзиш;
– тиббий-анатомик, клиник, фармацевтик атамаларни, афоризмларни лотин тилига ва лотин тилидан таржима қилиш;

**2 семестр**

– ТЭлар бўйича клиник атамаларни тузиш ва умумий мазмунини аниқловчи топшириқларни бажариш;
– асосий мазмунни билдирувчи маъноли қисимларга ажратиш;
– фармацевтик атамаларни туза билиш;
– рецептларни саводли ёзиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак;***
– атамаларни тўғри талаффуз қилиш;
– ихтиёрий тиббий атамаларни туза олиш ва тушунтира билиш;
– рецептларни тез ва саводли ёза олиш.
– билим ва кўникмалар кейинги курсларда мазкур модулни давомли ўзлаштириш жараёнида мустаҳкамланади ва ***малакаларига эга бўлиши керак.***

**3.Асосий қисм**

***3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Лотин тили ва тиббий терминология модулида маъруза машғулотлари кўзда тутилмаган.

***3.2. Модулдаги амалий машғулотлар мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Модулнинг амалий машғулот мавзулари тиббиёт йўналишидаги таълим соҳалари доирасида модулнинг асосий талабларига мослаштирилган ҳолда тузилади:

**Амалий машғулотларнинг рўйхати**

- Фонетика
- Анатомик атамалар
- Клиник атамалар
- Фармацевтик атамалар
- Рецептура

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий амалий мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

*Изоҳ: Олий таълим муассасаси модул йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда модул дастури режаларини ишлаб чиқишда амалий машғулот мавзуларига 10%гача қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

***3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:***

**Семестр 1**

**1- мавзу:**Тиббий терминологияга кириш. Лотин алифбоси. Унли ва ундош ҳарфлар.

**2-мавзу:** Дифтонг ва диграфлар. Харф бирикмалари.

**3- мавзу:** Урғу қўйиш қоидалари.

**4-мавзу:** От: грамматик категориялар, луғат шакли ҳақида тушунча, отларнинг турланиши, родини аниқлаш. Негиз.

**5-мавзу:** Мослашмаган аниқловчи иштирокида анатомик терминлар.

**6-мавзу:** Сифат: грамматик категориялар. Луғат шакли. Сифатларнинг 1-2 гурухи.

**7-мавзу:** Мураккаб анатомик атамалар структураси.

**8-мавзу:** Мослашган аниқловчи иштрокида анатомик терминлар.

**9-мавзу:**Сифат даражалари: Қиёсий даража, ясалиши ва турланиши.қўшимчалари.

**10-мавзу:**Орттирма даража.

**11-мавзу:** Отларнинг 3-турланиши. Genus masculinum.

**12-мавзу:** Genus femininum.

**13-мавзу:** Genus neutrum.

**14-мавзу:** Отвасифатларнинг Бош келишик қўшимчалари кўпликда.

**15-мавзу**:От васифатларнинг Караткич келишик қўшимчалари кўпликда.

**16-мавзу:**Nom.Plur ва Gen.Plur.да. анатомик терминлар.

**17-мавзу:**Сонлар: Тартиб ва саноқ сонлар. Лотин ва грек сон олд қўшимчалари.

**18-мавзу:**Анатомик терминология буйича якуний машғулот.

**Семестр 2**

**1- мавзу:** II.Бўлим. Клиник терминологияга кириш. Клиник атамалар ясаш усуллари. Суффиксация.

**2-мавзу:** Префиксация усули.

**3-мавзу:** Клиник терминлар ясовчи атама элементлар.Аъзо ва тана қисмларини ифодаловчи юнон – лотин дублетлари. Илмни ,фанни, диагностик усулларни, даволашни, изтиробни, касалликларни ифодаловчи юнон атама элементлар.

**4- мавзу:** Юнон– лотин дублетлари.Органлардаги ва тўқималардаги патологик ўзгаришларни,терапевтик ва хирургик усулларни ифодаловчи юнон атама элемент.

**5-мавзу:** Юнон–лотин дублетлари ва якка АЭлар. Тўқималар, органлар, суюқликлар, секретлар, жинс хамда ёшни ифодаловчи юнон–лотин дублетлари. Функционал ва патологик холат хамда жараёнларни ифодаловчи якка АЭлар.

**6-мавзу:** Юнон – лотин дублетлари ва якка АЭлар. Турли физик хусусият, сифат, муносабат ва бошка белгиларни ифодаловчи якка АЭлар.

**7-мавзу:** Клиник терминология бўйича якуний дарс. Коллоквиум.

**8-мавзу:** III. Бўлим. Фармацевтик терминологияга кириш..Доривор моддаларнинг тривиал номлари. Таркибий қисмчалар. Дори шакллари.

**9-мавзу:** Фарамацевтик терминлар структураси..

**10-мавзу:** Феъл ва унинг грамматик категориялари. Стандарт рецептура формулировкалари феъллар билан.

**11-мавзу:** Фармацевтик терминларни ва таркибий кисмчаларни ишлатилишини мустахкамлаш.

**12-мавзу:** Стандарт рецептура формулировкалари кўмакчилар билан.

**13-мавзу:** Рецепт структураси. Рецепт ёзиш қоидалари.

**14-мавзу:** Таблетка, шамчалар ва кўз плёнкаларини ёзишда тушум келишигини қўлланилиши.

**15-мавзу:** Рецептурада кимёвий элеменлар. Кислоталар.

**16-мавзу:** Оксидлар. Тузлар.

**17-мавзу:** Рецептда асосий қисқартмалар.

**18-мавзу:** Фармацевтик терминология  бўйича умумлаштирилган машғулот.

***3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Ҳозирги давр технологиялар асри ушбу модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Амалий машғулотлар давомида ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш , инсерт, ақл картаси , презентация, мозайика,асосация  ва шу каби 100 дан ортиқ интерфаол усулларнинг мавзуга мос танланиши ва қўлланилиши модул олдига қўйилган мақсадга эришиш учун замин яратади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларнинг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- талабани нутқ турлари бўйича касбий соҳада лотин ва юнон атамаларини амалий эгаллашга йўналтириш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- талабаларни нутқ фаолияти турлари бўйича касбий мулоқотга тайёрлаш.

***3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:***

Модул давомида талабалар одам организми аъзолари лотинча номлари, лотин тили атамаларини тузиш структурасини, клиник атамаларни тузишда атама элементлардан фойдаланиш, ретцептни саводли ва тез ёзиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

***Модул давомида эгаллаган амалий кўникмалар рўйхати:***

1. Лотин тили ва тиббий терминология модулининг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
2. Грамматика элементлари (тиббий атамашуносликда қўлланиладиган от ва сифатларнинг турланиши, мослашув дастур бўйича феъл, олд қўшимчалар, сон ва сифатдош) ни;
3. Фаол сўз бойлиги тарзида 1000-1200 та лексик ва сўз ясаш бирликларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
4. Лотин тилида ўқиш ва ёзиш;
5. Тиббий-анатомик, клиник, фармацевтик атамаларни, афоризмларни лотин тилига ва лотин тилидан таржима қилиш.

***Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:***

Модулни ўзлаштириш натижасида битирувчида компетенциялар шакилланган бўлиши шарт.

**1. Ижтимоий-маданий компетенция:**

-абстракт фикрлаш, анализ, синтез қилиш қобилияти;
-ўз устида ишлаш;
-ўз-ўзини англаш,
-ўзини тарбиялаш,
-ижодий салоҳиятдан фойдаланиш.

**2. Касбга йўналтирилган компетенция:**

- ахборот , библиографик ресурслар, тиббий-биологик терминологиялар ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда ахборот хафсизлигини асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ҳал этишга тайёр бўлиш.

***Модул давомида ўқув амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар :***

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;

- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

**4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар.**

***4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:***

1. Лотин тили тарихи
2. Замонавий тилларда лотиншунослик
3. Рим сонлари
4. Рим календари
5. Рим исмлари
6. Византия тиббиётида нумизматика
7. Медицина ва санъат
8. Тиббиёт эмблемалари.
9. Тиббиётда лотин- юнон мифологиялари
10. Юнон-лотин эпиграммаларида тиббиёт ва саломатлик
11. Лотин ибораларинин гхаётимизнинг барча жабҳаларида тутган ўрни
12. Талабалар лексикаси
13. Кадимиги Рим файласуфлари, ёзувчилари ва шифокорлари
14. Анатомик ибораларнинг таржимаси
15. Рим ва Грецияда даволашнинг кадимий усуллари
16. Антик давр табиблари
17. Кадимги Греция ваРимда  жарохлик усуллари
18. Антик давр технологиялари
19. Қадимги Грецияда косметологияни қўлланиши
20. Замонавий косметология
21. Рецепт тарихи
22. Доривор ўсимликлар
23. Клиник иборалар ва атамалар
24. Стендлар, жадваллар ва кроссводлар.

***4.2.Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:***

Мустақил ишлар асосан коммуникатив компетенцияни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ўқиш ва гапириш бўйича талабалар билимларини такомиллаштириш куйидагилардан фойдаланилади:

- Берилган мавзулар бўйича рефератлар тайёрлаш;
- Кутубхона ва интернет маълумотларидан фойдаланиб, йиғилган маълумотлар асосида презентациялар тайёрлаш;
- Намойиш қилиш;
- Видео материаллар;
- Мультимедиа дастурлар;
- Савол-жавоб;
- Баҳс-мунозара шаклида баҳоланади.
-

**4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишлар ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил таълимнинг топшириқ ва вазифалари модулни ўқитишга қўйиладиган талаблар ҳамда таълим мазмунига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади. Лотин тили ва тиббий терминология модули бўйича мустақил таълимнинг асосий мақсади касбий мулоқот маданиятини шакллантириш, коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, соҳа бўйича ижодий фаолиятни ўстириш ҳамда , мустақил ишлай олиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан иборат.

Мустақил иш аудиториядан ташқари шаклда олиб борилади, бунда соҳага оид ҳамда адабий, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий адабиётлар тавсия этилади. Мустақил таълимни шакллантиришда таълим ва билим олиш манбалари, ахборот-ресурс марказлари, мультимедия ресурслари, компьютерлар ва мобиль ускуналар, видео ва аудио ресурслар каби воситалардан фойдаланган ҳолда, интернет, ихтисослаштирилган илмий адабиётлар, газеталар, журналлар ва бошқа манбалардан кенг фойдаланилади. Талабаларнин илмий тадбирларда маъруза билан иштироки, олимпиада ва кўрик-танловлардаги қатнашуви мустақил ишнинг сифатли мазмун ва моҳиятини белгилайди. Шу билан бирга, кафедралар қошидаги клуб ва тўгараклар мазкур фаолиятнинг ажралмас қисми шаклида юритилиши мақсадга мувофиқдир.

***Лотин тил ва тиббий терминология модули бўйича курс иши режада кўзда тутилмаган.***

**Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражаси қуйидаги назорат турлари орқали аниқланади:

- жорий назорат (ЖН);
- оралиқ назорат (ОН);
- синов.

## ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Лотин тили ва тиббий терминология модули бўйича ЖН оғзаки ва ёзма шаклларда, ўргатувчи-назорат машқлар,тарқатма материаллари билан ишлаш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланади. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назорат учун 3 кредит ажратилади:

1 семестр – 1,5 кредит

Жорий назорат учун – 1,5 кредит;
Оралиқ назорат – 0 кредит (ўтилиши мажбурий).
2 семестр – 1,5 кредит
Жорий назорат учун 1,5 кредит;
Синов – 0 кредит (ўтилиши мажбурий).

Талаба 1 семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида синовли вазифани топширади ва ўтиш (саралаш) балидан ўтсагина 2 семестрга ўтади. Талаба 2 семестрда белгиланган кредитларни тўплагандан кейин семестр якунида Синовга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ёки узрли сабабларга кўра жорий назоратда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги семестр тугагинча бўлган муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор деб ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга 2-семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

**Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:**

| Балл | ECTS баҳо | ECTSнинг таърифи | | Баҳо | Таъриф |
|---|---|---|---|---|---|
| 86-100 | A | «аъло» – аъло натижа, минимал ҳатоликлар билан | Модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; Модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; Амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши; Берилганатамаларниэркинватўғриўқиш. Анатомик , клиник ва фармацевтик атамаларни тугри ва хатосиз таржима килса. Машгулотлар давомида янги лексик сўзларни ҳаммасини аъло даражада ўзлаштирган бўлса, грамматик қоидаларни тўғри белгилаган бўлса (род, сон, келишик). Лотин тили атамаларини тўлиқ билса. Турли структурадаги тиббиёт атамаларини амалда туза олса. От ва сифатларни кушимчаларини тулик билса.Отларни Бош келишик ва Караткич клишиги бирлик ва кўпликдаги 5 та турланиши ва1-2 гурух сифатларини бош ва караткич келишиги бирлик ва куплик қўшимчаларини яхши билса.Аниқ тушуниши ва тиббиёт атамаларини тўлиқ таржима қилса. Ҳар қандай кийинликдаги анатомик клиник ва фармацевтик атамаларни таржимкила олиши керак.Топшириққа юқори мустақил аналитик ёндоша билиши. Афоризм вакасбийатамаваибораларниаълодар | 5 | “аъло” |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ажадабилишикерак. Клиник дублетларни яхши билши клиник касаликларни маъносини беришда хато килмаса. Рецептни чиройли ва хатосиз ёзишни билса. | | |
| 81-85 | B | «жуда яхши» – ўртадан юқори натижа, айрим ҳато-ликлар билан | Модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши; Модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши; Амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши; Берилган атамаларни орфографик хатолар билан таржима килса , атамаларни тузулиш кетма-кетлигини етарли даражада билмаса. Лексик минимумларни 85%-80% гача ёддан билса. Лотин атамаларида от ва сифатларни кушимчаларини етарли даражада билса,грамматик қоидаларни етарли даражада билса. Етарли даражада тушунмаслик ва атамаларни тўлиқ таржима қила олмаса. Лотин тилида тиббий атамаларни тузиш, билим ва кўникмаси етарли даражада бўлмаслиги. 85 % гача афоризм ва тиббий атамаларни ёддан билса.Клиник дублетларни етарли даражада билса касаликларни маъносини етарли даражадатугри билса.Фармацевтик атамаларни етарлича билса , рецептни хатосиз ва чиройли ёза олса. | 4 | яхши |
| 71-80 | C | «яхши» – ўртача натижа, | Модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни амалий масалаларни ечишда қўллай олиши; | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | сезиларли ҳатоликлар билан | Модул дастурида тавсия этилган асосий адабиёт доирасида ўзлаштириши;<br>Стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;<br>Амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда бир оз хатоликларга йўл қўйиши Берилган атамаларни орфографик хатолар билан таржима килса , атамаларни тузулиш кетма-кетлигини етарли даражада билмаса. Лексик минимумларни 75%-80% гача ёддан билса. Лотин атамаларида от ва сифатларни кушимчаларини етарли даражада билса,грамматик қоидаларни етарли даражада билса. Етарли даражада тушунмаслик ва атамаларни тўлиқ таржима қила олмаса. Лотин тилида тиббий атамаларни тузиш, билим ва кўникмаси етарли даражада бўлмаслиги. 80 % гача офоризм ва тиббий атамаларни ёддан билса.Клиник дублетларни етарли даражада билса , касаликларни маъносини етарли даражада тугри берилмаса.Фармацевтик атамаларни етарлича билмаслик , рецептни хатосиз ва чиройли ёза олса.; | | |
| 60-70 | D | «қониқарли» – суст натижа, кўпол камчилик-лар билан | Берилган саволларни ярмидан купига жавоб бера олмаса Орфографик хатолар билан таржима килинган булса.Турли кийинчиликдаги лотин атамаларини тузишда граматик хатоларни килса.Лотинча тиббий атама ва лексик бирликларни ярмини | 3 | Қониқар-ли |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | билмаслик. Материалларни 60 % гача билиш, кучсиз ўқиш орфографик атамаларни тўлиқ даражада билмаслик. Лотин тили атамаларини тузишда грамматик қоидаларни билмаслик. Тиббиёт атамаларини таржима қилишни 2-3 хатоларга йўл қўйса. Клиник дублетларни ярмидан купини билмаслик. Клиник дублетларни етарли даражада таржима килса. Фармацевтик атамалврни ярмидан купини билмаса, рецепт ёзишда хатоликларга йўл қўйса. | | |
| 55-59 | E | «ўрта» – минимал натижага тенг | Модулнинг таянч тушунчаларини қийинчилик билан ўзлаштириш ва уни амалий масалаларни ечишда қўпол хатоликларга йўл қўйиш; Модул дастурида тавсия этилган асосий адабиёт доирасида кийинчилик билан ўзлаштириши; Амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда сустлик қилиши, вазифаларни бажаришда қўпол хатоликларга йўл қўйиши; Берилган саволларни ярмидан купига жавоб бера олмаса Орфографик хатолар билан таржима килинган булса. Турли кийинчиликдаги лотин атамаларини тузишда граматик хатоларни килса. Лотинча тиббий атама ва лексик бирликларни ярмини билмаслик. Материалларни 50 % гача билиш, кучсиз ўқиш орфографик атамаларни тўлиқ даражада билмаслик. Лотин тили атамаларини тузишда грамматик қоидаларни бил-маслик. Тиббиёт атамаларини таржима қилишни 3-4 хатоларга йўл қўйса.Клиник дублетларни ярмидан купини | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | билмаслик. Касаликларни маъносини тугри билмаслик. Фармацевтик атамалврни ярмидан купини билмаса, рецепт ёзишда хатоликларга йўл қўйса. | | |
| 31-54 | FX | «қониқар-сиз» – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлашти-риши зарур | Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; Тиббий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса; Амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса; Модулнинг таянч тушунчаларини қийинчилик билан ўзлаштириш ва уни амалий масалаларни ечишда қўпол хатоликларга йўл қўйиш; Берилганатамаларнитузишдалексик анибилмаслик. Дарга тайёрланмасдан келса Таржима қилишда қўпол ҳатоларга йўл қўйса . Берилган вазифа бажарилмаган бўлса таржима килишда купол ҳатоларга йўл қўйса. Сифат ва отлар иштрокида кетма-кетлигида атамаларни тузишни билмаса, бош ва караткич келишигини кушимчаларини билмаса. От ва сифатларни мослашувида хатолар қилса.Клиник дублетлари хакида тушунчага эга булмаса, касаликларни маъносини умуман бера олмаса. Фармацевтик атамаларни билмаса, рецепт ёзишда қўпол хатолар килса. | 2 | Қони-қарсиз |
| 0-30 | F | «мутлоқ Қониқар-сиз» – тўлиқ қайта ўзлашти-риши лозим | Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса; Терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса; | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса ёки умуман бажармаса; амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса. | | |

## ОРАЛИҚ НАЗОРАТ (ОН)

ОНда талаба томонидан модулнинг бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлими ёки қисми бўйича билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Лотин тили ва тиббий терминология модули бўйича бўйича ОН ҳар семестрда бир марта ўтказилади. ОНга ЖН бўйича тегишли кредитларни тўплаган тарабалар киритилади. ОН кафедра мажлисининг қарори билан оғзаки ёки тест шаклларида ўтказилади. ОНда саралаш бали (55балл) йиға олмаган талаба якуний назоратга қўйилмайди.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ва оралиқ назорат қайта ўтказилади.

## ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЯНда талабанинг билим, кўникма ва малакалари модулнинг умумий мазмуни доирасида бахоланади. ЯН лотин тили ва тиббий терминология модули бўйича ўқув машғулотлари тугаганидан сўнг, тест марказида тест синови шаклида ўтказилади.

Модул бўйича ЖНга берилган кредитларни тўплаган ва ОНдан ўтган талабага ЯНда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. ЯН битта жавобли ва кўп жавобли, мутаносиблик ва кетма-кетликни аниқлашга мўлжалланган тест саволларидан иборат бўлади. ЯНда саралаш балини (55 балл) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда кредитни тўлиқ йиғган бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш

тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш балидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## 5.Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### *5.1. Асосий адабиётлар:*

1. Rustamova S.Sh., Saydullaeva M.A., Abdullaeva R.M. Lotin tili va tibbiy terminologiya. Darslik. Toshkent. 2017yil.

2. Чернявский М.Н. Латинский язык и основы медицинской терминологии. Учебник. Москва. 2007 г.

### *5.2. Қўшимча адабиётлар:*

1. Xodjayva L.U., Zohidova X.A., Rahmatullayva Z. Z. Lotin tili. Darslik. Andijon. 2005 y.

2.Kondratyev D., Vylegzhanina O., Knyazeva J., Latin and Fundamentals of Medical Terminology. Гродно. 2005 г.

3. Бондаренко М. А. Латинский язык и основы медицинской терминологии. Учебник. Киев. 2007 г.

4. Turdiyeva K., Hamraqulova M., Berezovskaya R., Mahkamov M. Tibbiy terminologiya bo’yicha o’quv qo’llanma. Toshkent. 2018 y.

5. Turdiyeva K., Berezovskaya R., Hamraqulova M., Mahkamov M. Tibbiy terminologiya bo'yicha o'quv qo'llanma. Toshkent. 2016y.
6. Словарь латино-греко-русско-англо-узбекских медицинских терминов. Агентство по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан DGU 04860. Ташкент. 2017

***5.3.Интернет сайтлари:***

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.tma.uz
4. www.ziyonet.uz
5. www.info@tma.uz
6. www.info @minzdrav.uz
7. https://books.google.co.uz
8. http://latin-online.ru/sbornik/
9. www.meddean.luc.edu
10. http://knigi.tor2.org/
11. www.moodle.sammi.uz
12. http://elib.bsu.by/
13. http://www.gumer.info/
14. http://sovtor.org/

## ЛОТИН ТИЛИ ВА ТИББИЙ ТЕРМИНОЛОГИЯ МОДУЛИДАН СИЛЛАБУС

| | | | |
|---|---|---|---|
| Модулнинг тўлиқ номи | **Лотин тили ва тиббий терминология** | | |
| Модул коди: | Кредит сони: 3.0<br>1-семестр-1,5<br>ЖН-1,5 кредит<br>ОН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий).<br>2 семестр – 1,5 кредит<br>ЖН - 1,5 кредит;<br>ЯН – 0 кредит (ўтилиши мажбурий). | Модул ўтилиш даври:<br>1-2 семестр | ECTS value: 10 |
| Таълим йўналиши | 5510100 – «Даволаш иши» | 1 босқич бакалаврлари | |

| | | |
|---|---|---|
| | 5511100 – «Профессионал таълим» (5510100- Даволаш иши)» | |
| Модулнинг давомийлиги | 36 ҳафта | |
| Ўқув соатлари ҳажми: | Жами соат:<br>Шундан:<br>амалий машғулот<br>мустақил таълим | 108<br><br>72<br>36 |
| Ўқув модулининг статуси | Клиника олди модуллар блоки | |
| ОТМ номи, манзили | | |
| Кафедра номи | | |
| Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот | Маърузачиларнинг Ф.И.Ш.<br>Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш. | |
| Машғулот вақти ва жойи | | |
| Модулнинг мазмуни | одам анатомияси фанига йўналтириш, клиникани мукаммал билиш ва фармакологияга йўлланма бериш. | |
| Пререквизитлар | Биология, одам анатомияси, тиббиё киме фанлари назарий қисми хисобланади. | |
| Постреквизитлар | Биокимё, фармакология, одам анатомия, патологик анатомия ва патологик физиология модуллари ва барча клиник олди ва клиник модуллари учун назарий замин бўлиб ҳизмат қилади | |
| Модулнинг мақсади | талабаларда таълим тарбия, қонун ва қоидалардан ҳамда дидактик тамойилларидан келиб чиқиб, даволаш, тиббий педагогика ва тиббий профилактика факультетлари талабаларининг Лотин тили ва тиббий терминология модулини асосини ўзлаштиришга, шунингдек бу билимларни амалиётда қўллаш, шакллантиришга ва талабаларга тиббий атамаларни лотин ва юнон дублетларини ўрганиш йўли билан | |

| | |
|---|---|
| | йуналтирилган ўз касбий маҳоратларини кенгайтириш ва ривожлантириш, уларнинг кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб боришларида коммуникатив компетенцияларини шакллантириш. |
| Модулнинг вазифалари | талабаларнинг кўникма ва малакаларини ўзлаштирган ҳолда касбий кўникма ва малакаларга эга бўлиши;<br>- талабаларнинг мазкур йўналишдаги билимларини халқаро стандартларга мувофиқ равишда эгаллашини таъминлаш;<br>-бакалаврият талабаларини тўғри талаффуз қилишга ўргатиш;<br>- грамматик формаларни тушуниш ва атамаларнинг маъносини билиш;<br>-мустақил равишда луғатсиз ёки луғат билан анотомик, клиник ва фармацевтик атамаларни таржима кила олишва тузишга қаратилган |
| Модул бўйича талабалар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар | – Лотин тили ва тиббий терминология фанининг хусусиятлари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***<br>– грамматика элементлари (тиббий атамашуносликда қўлланиладиган от ва сифатларнинг турланиши, мослашув дастур бўйича феъл, олд қўшимчалар,сон ва сифатдош) ни;<br>– фаол сўз бойлиги тарзида 900-1000 та лексик ва сўз ясаш бирликларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;<br>– лотин тилида ўқиш ва ёзиш;<br>– тиббий-анатомик, клиник, фармацевтик атамаларни, афоризмларни лотин тилига ва лотин тилидан таржима қилиш;<br>– ТЭ лар бўйича клиник атамаларни тузиш ва умумий мазмунини аниқловчи топшириқларни бажариш;<br>– асосий мазмунни билдирувчи маъноли қисимларга ажратиш;<br>– фармацевтик атамаларни туза билиш;<br>– рецептларни саводли ёзиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак;*** |

| | |
|---|---|
| | – атамаларни тўғри талаффуз қилиш;<br>– ихтиёрий тиббий атамаларни туза олиш ва тушунтира билиш;<br>– рецептларни тез ва саводли ёза олиш.<br>– Билим ва кўникмалар кейинги курсларда мазкур фанни давомли ўзлаштириш жараёнида мустаҳкамланади ва***малакаларига эга бўлиши керак.*** |
| Таълим бериш усуллари | амалий машғулотлар |
| Таъминот | видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар. |

**Ўқитиш натижалари:**
**Модулни якунлаганда талаба билади:**

1. Анатомик , клиник ва фармацевтик атамаларни туза олишни;
2. Лотин ва юнон тилида инсон организмини ифодаловчи сўзларни билиши ва улардан анатомия, патологик ва физиологик анатомия,фармакология ва барча мутахассислик модулларда фойдалана олишни;
3. Берилган тиббий терминларни тушуниб ва уларни қўллашни;
4. Анатомик,клиник ва фармацевтик терминологияси асосида луғат бойлигига эга бўлишни;
5. Берилган касалликларни мазмунини очиб беришни;
6. Рецептни саводли ва хатосиз ёзишни.

**Модулни якунлаганда талаба бажара олади:**

1. Анатомик , клиник ва фармацевтик атамаларни тузади ва таржима;

2.Берилган тиббий терминларни тушунади ва уларни тиббий фанларда қўллайди;

3.Анатомик,клиник ва фармацевтик терминологияси асосида луғат бойлигига эга бўлади;

4.Берилган касалликларни мазмунини очиб бера олади;

5.Рецептни саводли ва хатосиз ёза олади.